

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 62 (1661), 2026 йил 1 апрель, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ ИККИ ВА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташир билан келган Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ермек Кошербаевни қабул қилди.



Сўхбат аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги яқин дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар даражасида

амалга оширилаётган фаол ҳамкорлик муносабатлари катта мамнуният билан қайд этилди.

Таъкидланганидек, қўшма Ҳукуматларо комиссия самарали фаолият юритмоқда. Товар айирбошлаш ҳамжи барқарор ўсиб бормоқда, саноат, энергетика, транспорт, экология ва сувдан фойдаланиш соҳаларида кооперация алоқалари изчил кенгаймоқда.

Учрашув чоғида иқтисодий лойиҳаларни жадаллаштириш, нодир металллар

соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, сайёҳлик оқимини янада кўпайтириш, гуманитар алмашинув дастурларини, шу жумладан, космос ва креатив иқтисодиёт соҳаларида тобора кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тadbирлар кун тартибини пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Халқаро ва минтақавий сиёсат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИКДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИККАЧА

Марказий Осиё интеграция жараёни жадал кечаётган, нуфузи тобора ошиб бораётган ҳудуд. Бу Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга давлат ташири доирасидаги учрашув ва келишувлар мисолида яна бир бор тасдиқини топди. Ушбу ташир давомида давлат раҳбарлари тор доирада музокаралар ва Олий давлатларо кенгашнинг биринчи йиғилишини ўтказди.

Қўшма лойиҳаларга старт берилди. Учрашувлар якунида икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Умуман олганда, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабат тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликнинг янги даражасига кўтарилмоқда. Сўнгги йилларда

бундай ҳамкорликнинг амалий қиёфасини халқларимиз ҳаётидаги ўзгаришлар мисолида кўриб турибмиз. Бу сайёҳаракатлар Президентимизнинг Марказий Осиёни

қайта тиклашга қаратилган ва энг муҳими, ўз вақтида илгари сурилган муҳим ташаббусларини тўлдиради. Ҳар томонлама қўлаб-қувватлайди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат ҳақида батафсил тўхталасак. Марказий Осиёдаги ҳамжихатлик осонгина пайдо бўлган эмас. Бир пайтлар минтақа мамлакатлари ўртасида чегаралар ёпиқ, тушунмовчиликлар бор эди. Ҳатто қуроли тўқнашувлар содир бўлгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Қардошлар тўйга бора олмас, синови кунларда бир-бирининг ёнида тура олмасди.

▶ Давоми 2-бетда

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР НАМАНГАНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 март куни Наманган вилоятида ислоҳотлар натижадорлиги ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазибалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда сўнгги йилларда Наманганда саноат, хизматлар ва тadbиркорлик соҳаларида катта ўсиш кузатилиб, вилоят кўлаб йўналишларда бошқа ҳудудлар учун намунага айлангани таъкидланди. Хусусан, саккиз йилда 40 мингдан зиёд янги корхона иш бошлаган, ишлаб чиқариш ҳамжи эса 6 баробарга ошиб, 40 триллион сўмга етган.

Қайд этилганидек, 2025 йил якунидаги бўйича вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 85,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 8,2 фоизга етган. Саноат маҳсулотлари ҳажми 40,1 триллион сўмни, хизматлар ҳажми 56,3 триллион сўмни ташкил қилган. Вилоятта 3,3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, экспорт ҳажми 916 миллион долларга етган.

Давлатимиз раҳбари жаҳон бозоридagi бекарор вазият шароитида Наманганда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва янги “ўсиш нуқталари”ни ишга солиш муҳимлигини таъкидлади. Шу муносабат билан 2026 йилда вилоят раҳбарияти олдида иқтисодиётни 9,2 фоизга, саноатни 9 фоизга, хизматларни 16,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6,8 фоизга ошириш, туризм экспортини эса 1,7 баробар кўпайтириш вазифаси қўйилди. Хорижий инвестициялар ҳажминини 5 миллиард долларга, экспортни 1,2 миллиард долларга олиб чиқиш вазифаси белгиланди.

Йил якунигача ишсизликни 3,5 фоизга, камбағалликни 2,5 фоизга тушириш, Наманган шаҳри, Давлатбод, Янги Наманган, Наманган, Косонсой, Норин ва Уйчи туманларини ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш зарурилиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда сўнгий интеллект асосида ҳудудий салоҳиятни чуқур таҳлил қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Норин тумани мисолида бу йил инвестицияни икки қарра, саноатни 10,4 фоизга ва экспортни 35 фоизга ошириш имкониятлари аниқлангани айтилди. Энди ушбу ёндашувни вилоятнинг барча туманларига татбиқ этиш топширилди.

Озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш бугунги шароитда энг долзарб масалалардан бири экани қайд этилди. Шу боис, вилоятда кам самарали 2,5 минг гектар боғлар ўрнида замонавий интенсиф боғлар ташкил қилиш ва 8 минг гектар ерни ўзлаштириш вазифаси қўйилди. Бу орқали қўшимча даромад манбалари ва янги иш ўринлари яратилади.

Йиғилишда йирик инвестиция лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, “Наманган” эркин иқтисодий зонасининг “Сабзор” массивида умумий қиймати 547 миллион долларлик 15 та лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун қўшимча электр подстанцияси қуриш зарурилиги кўрсатиб ўтилди. Ҳозиргача бу ерда 215 миллион долларлик 7 та лойиҳа ишга тушган.

Шунингдек, қиймати 20 миллион доллар бўлган замонавий IT-парк биносини барпо этиш тақлифи билдирилди. Ушбу лойиҳа ахборот технологиялари соҳасига халқаро компанияларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ҳудудда рақамли трансформация, сўнгий интеллект, электрон тижорат ва стартап экотизминини жадал ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатбод туманини “Ақлли шаҳар”га айлантириш, Наманган давлат техника университетига қарашли бўш объектлар неғизда сўнгий интеллект илмий лабораторияси ва стартап клубини ташкил этиш ташаббуслари ҳаммуҳокама қилинди. “Наманган — ақлли шаҳар” ягона рақамли платформаси орқали коммунал хизматлар, чиқиндиларни бошқариш, экологик мониторинг ва транспорт тизимларини босқичма-босқич интеграция қилиш режалаштирилгани айтилди.

Саноат ва тadbиркорлик бўйича қатор янги ташаббуслар кўриб чиқилди. Жумладан, Чуст туманида қуввати 60 мегаватт бўлган яшил энергия лойиҳасини амалга ошириш учун 24 гектар ер майдони ажратиш тақлифи илгари сурилди. Чортоқ туманида алкоғолсиз салқин ичимликлар, шербатлар ва болалар озуқаси ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси тақдим этилди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта захиралар борлиги таъкидланди. 2026-2027 йилларда янги интенсиф боғ ва тоқзорлар барпо этиш ташаббуслари доирасида 3948 гектар майдонда боғ ва тоқзорлар ташкил қилиш, 1,3 миллион дона кўчат экиш, 1,5 минг гектарда томчилик сугоришни жорий этиш режалаштирилган.

Паррандачилик соҳасида 50 миллион долларлик йирик лойиҳа амалга оширилиши, унинг доирасида 813 миллион дона тухум ва 2 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш қуввати яратилиши маълум қилинди. Бу вилоятнинг тухумга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш, Марказий Осиё ва араб давлатларига 42 миллион долларлик парранда гўшти ҳамда тухум маҳсулотлари экспорт қилиш имконини беради.

Туризмни иқтисодиётнинг драйвер соҳасига айлантириш масаласи ҳам муҳокамининг марказида бўлди.

Вилоятни водий туризми марказига айлантириш мақсадида Поп туманида “Арашан” кўллари атрофида замонавий ва инновацион туризм мажмуаси, Камчиқ довони ҳудудида “Qamchiq Mountain Resort” халқаро кўп функцияли тоғ дам олиш зонаси, Чодак қишлоғи Гулистон маҳалласида туризм маркази, Косонсой тумани Олмазор маҳалласида йирик туризм масканини ташкил этиш, Янгиқўрғон тумани Нанай ҳудудида сўнгий кўл лойиҳасини амалга ошириш тақлиф этилди.

Шунингдек, Наманган шаҳрининг эски шаҳар қисмида миллий меъморчилик, ҳунармандчилик анъаналари ва замонавий сервисни уйғунлаштирган туризм мажмуасини ташкил этиш, “Чорсу” ва “Сардоба” бозорлари неғизида замонавий “экобозор”лар барпо қилиш, кўп қаватли автотураргоҳлар қуриш тақлифлари билдирилди. Бу лойиҳалар шаҳар иқтисодиётини фаоллаштириш, савдо ва хизматлар соҳасида янги иш ўринлари яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Инфрақурилишни яхшилаш бўйича ҳам қатор йирик лойиҳалар кўриб чиқилди. Жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида Наманган шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш, шунингдек, Учқўрғон ва Уйчи туманлари марказларини илк бор марказлашган оқова сув тармоқлари билан таъминлаш лойиҳалари тақдим этилди. Уйчи ва Учқўрғонда 10 минг куб метрлик янги оқова сув иншооти, 40 километр янги тармоқ ва 28 километр таъмирталаб тармоқни янгилаш орқали 42 минг нафар аҳоли ва 6983 та хонадон қамраб олинини белгиланган.

Янги Наманган шаҳарчасида қурилиш ишларини жадаллаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Лойиҳа доирасида 30 минг янги иш ўрни яратиш, 25,2 километр йўлни таъмирлаш, 7,2 километр пидеалар йўлакчасини, 4,7 километр сув тармоғини ва 7,4 километр яшил ҳудудни барпо этиш назарда тутилган.

Ижтимоий соҳада ҳам йирик ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, Наманган шаҳрида 2026 йилда 15 минг ўринли мактабгача таълим ташкилотларини ташкил қилиш, 21 та таълим муассасасидаги бўш турган 42 минг квадрат метр ер майдонларини давлат-хусусий шериклик асосида боғча қуриш учун ажратиш тақлиф қилинди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида Республика иқтисодлаштирилган травматология ва ортопедия марказини Наманган филиалини ташкил этиш, онкология ва радиология марказини замонавий ПЭТ-томограф аппарати билан жиҳозлаш, кўп тармоқли тиббиёт марказини реконструкция қилиш ва юқори технологияли операцияларни йўлга қўйиш каби ташаббуслар кўриб чиқилди. Бу орқали нафақат вилоят аҳолиси, балки қўшни ҳудудлардан келувчи беморларга ҳам юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти кенгайити айтилди.

Йиғилиш якунида Президентимиз Наманган вилоятида мавжуд салоҳиятни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир лойиҳани аниқ натижага айлантириш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадини ошириш, экспорт ва юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқаришларни кенгайтириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

УЧИНЧИ УЙҒОНИШ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИНИНГ МУСТАҲКАМ ИККИ УСТУНИ



Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда март ойи тарихий воқеаларга бой бўлди. Миллий ва диний қадриятларимиз билан боғлиқ айёмлар — муборак Рамазон ҳайити ва Наврўз байрами кенг миқёсда нишонланди. Ушбу байрамлар халқимиз учун нафақат диний, балки маданий ва ижтимоий аҳамиятга ҳам эга.

Рамазон ҳайити ва Наврўз кунларида ҳалоллик, ҳамжихатлик, яхши амаллар қилиш, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, меҳр-оқибат каби қадриятлар алоҳида аҳамият касб этди. Шу нуқтани назардан айтганда, кейинги

йилларда маънавий ҳаётимиз юксак поғонага кўтарилиб, муқаддас динимиз қадриятларига эътибор тобора ортиб бораётди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ғояси асосида Ислам цивилизацияси маркази

бунёд этилиб, фойдаланишга топширилгани халқимиз учун чинакам улкан маънавий ҳодиса бўлди. Бу муҳташам маскан юртимизнинг бой тарихи, бебаҳо маънавий мероси, асрлар давомида шаклланган илм-маърифат анъаналарининг ёрқин тимсоли сифатида барпо этилди. Зеро, муқаддас динимиз инсонни доимо илм, маърифат, эзгулик ва қомилликка чорлаб келади.

Ислам цивилизацияси марказининг очилиши Ўзбекистоннинг маданий ва

интеллектуал дипломатиясида муҳим босқич сифатида мамлакатни билим, бағрикенглик ва мулоқот маркази сифатида намоян қилишга қаратилган кенг кўламли сайёҳаракатларни акс эттиради. Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган лойиҳа БМТ Бош Ассамблеясида тақдим этилганидан сўнг минтақадаги энг йирик маданий ташаббуслардан бирига айланди.

▶ Давоми 3-бетда



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун сайёрамизнинг 2,2 миллиард аҳолиси ичимлик сув таъминоти танқис бўлган шароитда яшамокда. Бу рақам сизу биз сувни исроф қилмасдан, тежаб-тергаб ишлатишимиз заруригини аниқлатади. Зеро, минтақамиз иқлими қўроқчил бўлгани сабабли сув ресурсларига талаб йил сайин ортиб бормоқда.

Иқлим ўзгаришлари, сув манбалари чеклангани ва аҳоли сони ўсиши шароитида мавжуд ирригация тизимини тубдан модернизациялаш, сув тежовчи инновацион технологияларни кенг жорий этиш ва бу жараёнда илмий ёндашувни қўллаш стратегик аҳамиятга эга.

Юртимизнинг кўпгина ҳудудларида сув ресурслари чекланганлиги ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири аҳоли ва қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш масаласини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўймоқда.

Президентимиз шу йил февраль ойида Сурхондарёга ташири чоғида ичимлик сув таъминотидаги модернизация ишлари билан ҳам таништи. Ютуқлар таҳлил этилиб, вилоятда ҳали ечилмаган сув таъминоти маалаларини тежор ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, эски насос агрегатларини энергия тежамкор технологияларга алмаштириш, тармоқларни модернизация қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

▶ Давоми 2-бетда

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ – БАҲАҚАРАРЛИК КАФОЛАТИ

Муносабат



Убайдулла МИНГ'БОВЕВ, Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ҳар қандай таъзия ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда бундай иллатларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш мақсадида жорий йил 3 март куни Президентимизнинг “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъзия ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ҳужжатда бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, никоҳ ёшига етмаган шахслар билан никоҳ муносабатларига киришиш ҳолатлари (эрта никоҳ)нинг олдини олиш, аёллар ва болаларга нисбатан таъзия ҳамда зўравонлик ҳолатларига йўл қўймай, ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлари учун масъулиятини ошириш каби тамойилларни таъминлашнинг орқали бундай ҳолатларни кескин камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Фармонда никоҳланувчиларни “маиший зўравонликсиз бахтли оилавий ҳаётга тайёрлаш” мақсуд қилувчи бепул ўқитиш, ёшларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жолларда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар ташкилотлари ҳамда уларнинг аъзолари

масъулиятини ошириш каби чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, вояга етмаганларга нисбатан жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун судланган шахсларга нисбатан жазони кучайтириш, уларни психологик туза-тиш дастуридан ўтмасдан энгиллаштирилган тартибда сақлаш амалиётига чек қўйиш каби муҳим тақдирлар маъқулланган. Муқаддам судланган шахслар томонидан бу каби жиноятлар қайта содир этилса, уларга нисбатан умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш каби қатъий жазо чораларини белгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Фармон мамлакатимизда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши самарали чора-тадбирлар тизимини мустаҳкамлаш билан аҳамиятли. Эндиликда ҳар бир ҳудуддаги иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аёллар ва болалар билан ишлаш учун камида битта терговчи ва судья халқаро стандартларга асосланган дастурларга мурофиқ махсус тайёрларликдан ўтказилади. Бу жараёнда аёл терговчи ва судьяларга устуворлик берилади ва улар томонидан аёллар ва болаларга нисбатан таъзия ва зўравонликка оид ишларнинг қўрилиши таъминланади.

Бу чора-тадбирлар жамиятда аёллар ва болалар камситилишининг олдини олишга, зўравонлик ҳолатларини содир этишга мойил бўлган агрессор шахслар ҳаракатини чеклашга хизмат қилади. Натижада оила ва хотин-қизлар масканлари имкониятларидан самарали фойдаланиш кенгайди.

Айниқса, вояга етмаган қизларнинг ҳаёт тарзи, жамиятдаги ўрни, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларига жиддий аҳамият берилган қувонарли. Шу ўринда бир диний маросимда уламолар томонидан айтилган таъсирили маъруза ёдига тушди. Унда қиёмат кунидидаги ҳисоб-китоб ҳолати тасвирланиб, инсон ҳатто ўз ақлидан ҳам савоб сўрай олмайдиган, фақат ўзи ҳақида қайғурдиган оғир ҳолатлар ҳақида сўз борарди. Шундай пайтда қиз бола отасига мурожаат қилиб, ўз савобидан беришга тайёрлигини билдиради. Бу бекиёс меҳр ва фидойилик учун унга илоҳий раҳмат насиб этиши ҳақидаги гаплар ҳар бир тингловчинини чуқур ўйга толдирган эди ўшанда.

Бу ҳикоядан аниқлаш мумкинки, жамиятнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланган оилаларда ўсиб-ўлғаяётган, хонадон кўрки ва оила қувончи бўлган қиз фарзандларни турли таъзия ва зўравонликлардан асраш ҳар бир инсоннинг нафақат бурчи, балки виждони олдидаги қатъий талабидир. Зеро, қиз фарзандга муносабат жамиятнинг маънавий даражаси ва адолат тамойилларига қанчалик содиқ эканини намоён этади. Уларни асраш ва қўллаб-қувватлаш орқали биз нафақат бир инсон тақдирини, балки келажак авлод ва соғлом жамиятни ҳимоя қилган бўлаемиз.

Шундай экан, вояга етмаганлар ҳамда аёллар ва хотин-қизларга нисбатан муносабатда ҳар бир инсон ўз онаси, опа-сингилси ёки фарзандига бўлган меҳр ва ҳурмат билан ёндашса, жамиятдаги қўллаб-қўлланмас ҳолатларнинг олди олинган бўларди. Бу эса нафақат жамиятнинг статистикаси камайишига, балки бахтли ва мустаҳкам оилалар сони ортишига ҳам хизмат қилади.



Байрамбек УЗОҚОВ, меҳнат фахрийси

Бошланиши 1-бетда

Ўша пайтлари жуда кўп фуқаролари бўлмаган юртдошларимиз биз билан ёнма-ён яшар эди. Ҳатто Ўзбекистонда туғилиб, Душанбе ёки Олмаотадаги олий ўқув юрталарини битириб қайтган ҳамюртларимизнинг фуқаролик олишига ҳеч қанча эътибор берилмаган. Қозғоғистон, Тожикистон ва бошқа қўшни давлатлардан келин бўлиб тушганлар

Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш анъанаси йўлга қўйилди. Бу формат минтақа тарихида илк бор давлат раҳбарларига эркин, очиқ, ишончли мулоқот қилиш имконини берди.

ҳам шу муаммо билан яшаган. Улар ҳеч нарсадан ноқулайлик сезмаган. Аммо фуқаролиги йўқ шахс сифатида яшаган, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

Айнан шундай ўта мураккаб шароитда, яъни 2017 йили Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТнинг юксак минбарида туриб, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор вазифа Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик ришталарини тиклаш, савдо-иқтисодий, гуманитар алоқаларини ривожлантириш эканини эълон қилди. Ўша нуқт билан минтақанинг келажагини ўзгартирган тарихий даврга қадам қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қўшничилик муносабатларини тиклаш ва мустаҳкамлаш жараёни бошланди. Аввало, чегараларни очиш, халқлар ўртасидаги муносабатларни

МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИКДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИККАЧА

Нуқтаи назар

мустаҳкамлашга эътибор қаратилди. Қисқа муддатда чегара постларидан ўтиш жараёни соддалаштирилди. Одамлар эркин қатнай бошлади. Савдо-иқтисодий муносабатлар кенгайди. Маданий алоқалар кучайди. Муҳими, мамлакатлар етакчилари ўртасида жонли, самимий мулоқот кўпайди.

Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш анъанаси йўлга қўйилди. Бу формат минтақа тарихида илк бор давлат раҳбарларига эркин, очиқ, ишончли мулоқот қилиш имконини берди.

Ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги Маслаҳат учрашуви ана шу жараёнинг пойдеворини мустаҳкамлади. Муносабатлардаги янги босқични бошлаб берди. Бу галли учрашувнинг аҳамияти яна бир жиҳат билан бойиди — Озарбайжон Марказий Осиё маслаҳат форматининг тўлақонли иштирокчисига айланди.

Бу ўзаро яқинлашувадаги яна бир қадам эмас, бутун минтақанинг геосиёсий манзарасини кенгайтирувчи ўзига хос жараёндир. Энди Қорабоддан Каспийга, Каспийдан Фарғона водийси ва Тяньшангача чўзилган улкан ҳамкорлик ҳалқаси шаклланмоқда. Ушбу тарихий жараёнларнинг мантикий ва амалий давоми сифатида Ўзбекистон,

Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари Президентларининг 2025 йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган уч томонлама саммити алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур учрашув нафақат уч давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичини белгилаб берди, балки бутун Марказий Осиёда шаклланаётган ишонч ва ҳамжихатлик муҳитининг амалий ифодасига айланди.

Айниқса, Президентимиз илгари сурган очиқлик, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик сиёсати бу саммитда яна бир бор ўзининг ҳаётий ва самарали эканини намоён қилди. Чунки илгари узоқ йиллар давомида энг мураккаб ва ҳал этилиши қийин бўлган масалалар айнан мулоқот, сиёсий ирода туфайли босқич-босқич ўз ечимини топмоқда.

Саммит доирасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида уч давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги шартномани имзоланиши том маънода тарихий воқеа бўлди. Бу ҳужжат фақат географик нуқтани белгилаб бериш билан чекланмайдиган. У, энг аввало, йиллар давомида тўпланиб келган муаммоларга сиёсий ечим топилиши, ўзаро ишонч тиклангани ва келажакда ишонч билан қараш мумкинлигининг эркин рамзидир.

Мазкур келишув чегара ҳудудларида яшовчи аҳоли ҳаётида туб бурилиш ясаган билан аҳамиятлидир. Илгари турли чекловлар, тушунмовчиликлар ва ҳавотир сабаб одамлар қийинчиликларга дуч келарди. Энди эркин ҳаракатланиш, савдо-сотик қилиш, қариндош-уруғлари билан бемалол бори-келиди қилиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, саммит якунида қабул қилинган “Абадий дўстлик тўғрисидаги Хўжанд декларацияси” нафақат сиёсий ҳужжат, балки уч халқнинг умумий тарихи, маданияти ва қадриятларига таянган ҳолда келажакни биргаликда барпо этишга қатъий ироданинг ифодаси сифатида катта аҳамиятга эга. Ушбу декларация орқали давлатлар

ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилиб, барча соҳада узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий ва сиёсий замин яратилди.

Хўжанд саммити Марказий Осиёда интеграция жараёнини янги мазмун билан бойитди. Аввалги босқичларда асосий эътибор ишончли тиклаш ва алоқаларни қайта йўлга қўйишга қаратилган бўлса, энди бу жараён аниқ иқтисодий, инфратузилмавий ва гуманитар лойиҳалар орқали мустаҳкамланишти. Хусусан, транспорт йўлакларини ривожлантириш, чегарабўйидаги савдонини кенгайтириш, энергетика ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш каби масалалар кун тартибининг устувор йўналишларига айланди.

Мазкур саммит ўтганига бир йил тўлди. Ўтган қисқа муддатда унинг натижасини амалда кўриш мумкин. Чегара ҳудудларида иқтисодий фаоллик ортди, янги савдо нуқталари пайдо бўлди, транспорт қатнови кўпайди. Муҳими, одамлар онгида “чегара” тушунчаси тўсиқ эмас, балки ҳамкорлик ва имкониятлар нуқтаси сифатида қабул қилиниши кучаймоқда. Бу Марказий Осиёнинг келажига ўзаро рақобат эмас, балки ҳамжихатлик, очиқлик ва стратегик шериклик эканини яққол намоён этмоқда. Хўжанд саммити ана шу янги даврнинг муҳим рамзига айланди.

Шу маънода, мазкур саммитни фақат бир воқеа сифатида эмас, балки бутун минтақа тарққиётини белгилаб берган муҳим босқич, давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очган тарихий бурилиш сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Марказий Осиёда юз берган туб бурилишлар тасодифий эмас. Бу пухта ўйланган, изчил ва прагматик ташқи сиёсат натижасидир. Айниқса, қўшни давлатлар ўртасида йиллар давомида ечилмай келган мураккаб масалаларга айнан мулоқот, ишонч ва сиёсий ёндашув орқали ечим топиш амалиёти жорий этилгани ўз самарасини бермоқда.

Бугун Марказий Осиёга нисбатан халққаро қараш ҳам ўзгариб бормоқда. Илгари жоғрофи ҳудуд сифатида қабул қилинган минтақа энди барқарорлик, ҳамкорлик ва ўзини нуқтаси сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, юртигаётган тинчликпарвар ва прагматик сиёсат натижасидир.

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, мамлакатимиз етакчисини 2025 йил 9 декабрь куни қишлоқ хўжалиги ходимлари билан ўтказган мулоқотда ҳам соҳанинг келгуси ривожини учун қатор долзарб вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, соҳага илмий ёндашув, фермер ва деҳқонларга молиявий, ҳуқуқий ва техник жиҳатдан қўшимча қўлайликлар яратиш каби масалалар илгари сурилди.

Бу каби эътибор туфайли рақамли технологиялар, сув тақсимотини автоматлаштириш тизимлари жорий этилиб, сув ресурсларидан фойдаланишда шаффофлик ва самарадорлик таъминланмоқда.

Сурхондарёда марказлашган ичимлик сув билан қамров саккиз-тўққиз йил олдин 47 фоз эди. Бутун ушбу рақам 67,5 фозгача ошишига эришилди. Ижтимоий ва ҳудудий дастурлар доирасида янги лойиҳалар амалга оширилиши бу борадаги катта силжишга сабаб бўлди.

Жумладан, Тўпаланг сув омбори билан боғлиқ йирик лойиҳанинг қурилиш-монтаж ишлари бошланганидан буён жами 246 километр тармоқ тортилиб, 8 та ичимлик сув сақлаш ҳовузи барпо этилди. Биринчи босқичда Сарносие, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида яшовчи қарийб 135 минг истеъмолчи хонадонига зилол сув кириб бормас бўлса, иккинчи босқич аввалда Олтинсойдаги 16 та маҳалланинг 44 минг, Бандихон туманидаги 17 та маҳаллада яшовчи 42 минг 400 дан ортиқ аҳолининг обиҳаёт таъминоти тубдан яшилди.



Янгича ёндашувлар

СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАР ҚАЧОНГИДАН-ДА ДОЛЗАРБ

маблаг ҳисобидан 214,1 километр ичимлик, 12,3 километр оқова сув тармоғи тортилади, 8 та сув иншооти қад ростилади.

Маълумотларга кўра, илгари аҳоли истеъмол қилган обиҳаётнинг қаттиқлик даражаси 7-8 миллиграмм-эквивалентни ташкил этган бўлса, ўз оқими билан келадиган Тўпаланг сув омбори сувида бу кўрсаткич атғи 3-4 миллиграмм-эквивалентга тенг. Бу эса эндиликда истеъмолчиларнинг фойдали минералларга бой ичимлик сувдан узлуксиз баҳраманда бўлишини аниқлатади. Албатта, мусоффо, қаттиқлик даражаси паст обиҳаёт истеъмолчилар саломатлигида муҳим аҳамиятга эга. Шу кунларда Тўпаланг сувини воҳанинг Шеробод, Қизилқум ва Ангор каби туманларига етказиш мақсадида Жарқўрғон туманида 20 минг куб метр сийғимга эга сув сақлаш ҳовузини барпо қилиш ишлари давом этмоқда.

Сурхондарё вилоятида сув таъминотини яхшилаш фақат Тўпаланг — Термиз мегалойиҳаси билан чекланган йўқ. 2025 йилда қилинган ишлар сарҳисобига кўра, Сурхондарё вилояти миёнасида 338 километр узунликда ичимлик сув тармоғи тортилади, 54,5 километр тармоқ ва 176 та насос профилактик кўрикдан ўтказилиб, таъмирланди. Мажхуд ичимлик сув иншоотларига 83 та энергия тежамкор насос ўрнатилди. 10 минг 551 та истеъмолчининг тармоғи хонадонларига киритилди. 34 минг 199 истеъмолчига сув ҳисоблаш ускуналари қўйиб берилди.



Барча маблаглар ҳисобидан олиб борилган ишлар натижасида 145 та маҳалладаги 61 мингдан ортиқ аҳоли илк бор сув билан таъминланган бўлса, 319 минг 500 юртдошимизнинг сув таъминоти яхшиланди.

Жорий йилда Сурхон воҳасида 273 та маҳалладаги 316,4 минг юртдошимиз марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 757 минг кишининг сув таъминоти янада яхшиланади.

мақсадида ташкил этилган “Сувчилар мактаби”да 2023-2025 йиллар мобайнида соҳа олимлари иштирокида 7800 фермер сув тежовчи технологиялар бўйича чуқур билим ва амалий кўникмалар олиб, махсус сертификатларга эга бўлди. — дейди Аму-Сурхон ирригация тизими ҳавза бошқармаси бошлиғи Урбонсарини Неймат Худойбергенов. — Нафақат маҳаллий, балки Туркия ва Хитойнинг сув тежашдаги илғор тажриба-калар билан қоплаш жадал давом этапти. Бу сувнинг филтрация ва буғуланиш орқали йўқотишларини кескин камайтириб, етказиб бериш тезлигини оширади. Натижада сув далаборгача максимал даражада ва исрофсиз этила бормоқда.

Сўнгги йилларда Сурхондарё вилоятида ҳам магистрал ва хўжалиқларро каналларнинг эскирган қисмларини реконструкция қилиш, уларни бетонлаш ва замонавий плён-калар билан қоплаш жадал давом этапти. Бу сувнинг филтрация ва буғуланиш орқали йўқотишларини кескин камайтириб, етказиб бериш тезлигини оширади. Натижада сув далаборгача максимал даражада ва исрофсиз этила бормоқда.

2024 йилда 2700 гектар майдонда янги сугорили тизимлари ишга туширилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 3800 гектарга оширилди.

Авваллари асосан пахта ва галла майдонларида синодан ўтган сув тежовчи технологиялар бугунги кунда боғдорчилик, узумчилик ва полиз экинларида ҳам кенг қўлланилиб, илгари самарасини кўрсатмоқда. Бу тизимлар сув сарфасини гектарига 30-70 фозгача қисқартириш имконини беради. Сувнинг аниқ метрда ва тўғридан тўғри ўсимлик илдизига етказилиши ҳосилдорлиқни 1,5-2 баравар ошириб, маҳсулот сифатини янада яхшилайди, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Сайдулла Болтаев.

Сурхондарё вилоятида 2025 йилда томчилатиб сугорили технологияси ўрнатилиш бўйича 7 минг гектар майдонга, кластер ва фермерлар билан 6,8 минг гектар учун шартномалар расмийлаштирилган. — Эътиборга молик жиҳати, 3827 гектар боғ, ток ва бошқа экин майдонларига ҳам томчилатиб сугорили технологияси жорий этилган. Бу эса технологиялар кенг диверсификация қилинаётганидан далолат беради. Ёмғирлатиб сугорили бўйича режа 3100 гектар бўлса-да, талабгорлар томонидан 3885 гектар учун шартномалар тузилган, — дейди Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти хузуридаги Сурхондарё минтақавий маркази директори Ойбек Ғуломов. — Сурхон воҳасида яна 41,7 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича режалар белгиланган. Бунда 6,7 минг гектар томчилатиб, 8 минг гектар ёмғирлатиб сугорили, шунингдек, 17,7 минг гектарда лазерли текислаш каби ишлар давом эттирилади.

Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий этишда тижорат банклари ва фермерларнинг ўз маблағлари ҳисобидан катта инвестициялар киритилиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳосилдорлиқни ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратаетир. Бу эса юртимиз ҳудудларининг аграр салохиятини янада юксалтириш ва барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” Мۇбири

Янги Ўзбекистон руҳи

Учинчи уйғониш даври пойдеворининг мустақкам икки устуни



Исмоил САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Хастимом меъморий мажмуасига ёндош жойлашган ушбу марказ оддий музей эмас. У тадқиқот, таълим, консервация ва жамоатчилик билан мулоқотни қамраб олган кўп функцияли платформа. Марказнинг архитектураси ва экспозициялари ислом цивилизациясининг Олтин асри билан Янги Ўзбекистон ғоясини уйғунлаштириб, интеллектуал ва маънавий анъаналарнинг узвий давомчилигини ифода этади.

Марказнинг юраги Қуръон залидир. Бу ерда дунёдаги энг қадимий нусхалардан бири — Усмон Муҳаффи сақланади. Шунингдек, ислом илми ва хаттотлик санъатининг ривожланишини кўрсатувчи ноёб тўплам тақдим этилган. Ушбу бебаҳо дурдонанинг аҳамияти миллий чегаралардан анча кенг. У исломни бил, им, инсонпарварлик ва илмий тараққиёт манбаи сифатида қайта талқин қилади. Шу билан бирга, Марказий Осиёнинг цивилизациялару кўприк сифатидаги тарихий ўрнини тиклайди. Инклюзивлик ва мулоқотга асосланган замонавий маданий дипломатия моделини намоян этиди.

Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистоннинг кенгроқ минтақавий ва глобал стратегиясини ҳам акс эттиради. Маданият, таълим ва халқаро ҳамкорликнинг асосий устуларига айланмоқда. ICESCO, IRCICA, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази каби нуфузли ташкилотлар марказда фаолият юритиши режалаштирилган. Бу эса уни глобал тадқиқот ва маданиятлару мулоқот марказига айлантиради.

Бу жой оддий маданий муассаса эмас, балки стратегик ва цивилизация аҳамиятга эга лойиҳа. Ўзбекистоннинг ислом ва инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасини дунё миқёсда қайта намоян этади. Заминимиз асарлар давомида жаҳон тамаддунининг муҳим марказларидан бири сифатида ислом маданияти ва

илм-фани ривожига беқиёс ўрин тутиб келган. Буюк мутафаккирлар, аллома ва муҳаддислар етишиб чиққан бу тупроқда бой маънавий мерос шаклланди. Ана шу улкан меросни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида барпо этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бугун нафақат миллий, балки халқаро аҳамиятга эга илмий-маърифий маскан сифатида намоян бўлмоқда.

Геосийсий бекарорлик ва иқтисодий муаммолар юз бераётган паллада Ўзбекистон ўзининг маданий ва стратегик таъсирини кучайтириш орқали муҳим қадам ташлади. Ислом цивилизацияси маркази мамлакатимизнинг бой тарихий мероси ва бутун Евроосиё бўйлаб илмий интеллектуал ва маданий анъаналарни шакллантиришдаги маъқени намойиш этадиган муҳим лойиҳага айланмоқда. Шиддатли технологик ўзгаришлар ва глобал кескинликлар даврида ушбу марказ, аввало, мусулмон дунёсида конструктив мулоқот майдони бўлиб, Марказий Осиёнинг бағрикенг, маърифатли ислом моделини илгари суриш учун кенг имкониёт яратди. Иккинчидан, мамлакатнинг ислом цивилизацияси меросини тарғиб қилиш Ўзбекистоннинг Евроосиё марказини Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё билан боғлайдиган маданий ва дипломатик кўприк сифатидаги ўрнини мустақкамлайди, минтақавий алоқалар ривожига ҳисса қўшади.

Марказ маданий вазиладан ташқари, радикаллашувга қарши курашиш, инклюзив исломни тарғиб қилиш, минтақавий барқарорлик ва халқаро тинчлик асосидаги меъёрларни тарғиб қилиш учун фаол платформага айланмоқда. У тарихий мерос мамлакатнинг стратегик таъсирини кучайтирувчи воситага айлангани мумкинлигини намойиш этмоқда. Янги иншоотнинг очилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи ошиб бораётгани, дунёда ишончли ҳамкор сифатидаги роли ортаётганини ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, мамлакатимиз географик марказлашуви, демографик саноҳияти ва ислоҳотлар кун тартибидан иқтисодий очкилик, минтақавий хавфсизлик ва маданий етакчилигини илгари суриш учун фойдаланмоқда.

Янги мажмуа бутун мусулмон Шарқда яна бир Ренессанс бошланғичидан дорлат беради. Ўзбекистон ҳозирга қадар Биринчи ва Иккинчи Ренессансга бешик бўлган табарқур замин. Шу бонс, дунёнинг исталган бурчагиде ислом ҳақида сўз кетганда, заминимиздан етишиб чиққан буюк алломулар — Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Насафий, Имом Термизий биринчи галда тилга олинади.

Бу ўлканнинг илм-маърифат тарихидаги тамал тоши, шубҳасиз, мустақкам.

Муҳташам мажмуа қадимий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган. Унга тўрт томондан тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ушбу порталлар ва бинонинг таъқи равоқияти илм-маърифат, бағрикенглик, инсонийлик ва ота-онага ҳурмат мазмунидаги оятлар ҳамда ҳадислар билан безатилган.

Ичкарисида эса энг замонавий технология кенг қўлланган. Виртуал ва кенгайтирилган реаллик, сунъий интеллект ҳамда голограмма ёрдамида қадимий қўлёзмалар “жонлантирилади”, тарихий илмий муҳит рақамли шаклда қайта тикланади. Томошабин бевосита жараён иштирокчисига айланади, буюк олимулар билан виртуал мулоқот қилиб, илмий тажриба муҳитини ҳис этади. Еш авлодга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. “1001 ихтиро” лабораторияси орқали болаларда илм-фан, техника ва муҳаддисликка барвақт қизиқиш уйғотиш мақсад қилинган. Бу ҳам келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мажмуа фақат кўрғазма майдони эмас, балки йирик илмий-таълим маскани

Шу сабабли дунё экспертлари ва мутахассислари марказни ислом цивилизацияси илмий меросини замонавий технология орқали жаҳонга тақдим этувчи янги платформа деб атапти. Айни вақтда кўпчилик уни маданий дипломатия ва туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи стратегик объект сифатида таърифламоқда.

Эътиборлиси, лойиҳа устида 40 дан ортик мамлакатдан 1500 га яқин мутахассис иштирок этган. Ислом цивилизацияси маркази ўз даврида Марказий Осиёни дунёнинг етакчи илм-фан марказларидан бирига айлантирган муассасалар анъанасини давом эттирган Хоразмдаги Маъмур академияси ёки Самарқанддаги Улугбек мадрасаси каби бой интеллектуал меросни қайта тиклаш ва ўрганишда муҳим маскан вазиасини ўташи кутилмоқда. Бу ҳол Тошкент шунчаки янги музейни тақдим этмаётгани, балки ўзининг илм-фан чорраҳаси сифатидаги тарихий мақомини қайта тиклашга уринаётганини кўрсатмоқда. Марказнинг БМТ Цивилизациялар альянси билан имзолаган меморандуми эса унинг глобал миқёсдаги маърифий ва гуманитар аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди.



ҳамдир. Бу ерда улкан кутубхона, реставрация лабораториялари, хаттотлик мактаби ва замонавий рақамли архив фаолият юритади. Худудда қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган халқаро илмий марказ аҳамиятини янада оширади. Умуман, мажмуани Марказий Осиёдаги энг йирик маданий-илмий лойиҳалардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Ислом цивилизацияси маркази кутубхона фонддини бойитиш ишлари давлат даражасидаги стратегик вазиа сифатида амалга оширилмоқда. Марказ жамоаси буюк алломуларимизнинг дунё бўйлаб социлб кетган илмий меросини қайтариш устида тинимсиз ишламоқда. Бутун кутубхона фонди қатор манбалар ҳисобига мунтазам кенгаймоқда. Хусусан,

дунёнинг энг йирик китоб ва санъат аукционларида сотувга қўйилган қўлёзма ва тошбосма асарлар харид қилинмоқда. Европа, Осиё ва араб давлатларидаги кутубхона ва архивлар билан ҳамкорлик қилиниб, алломуларимиз асарларининг нусхалари ва илк нашрлари олиб келинмоқда. Қўллаб қоллекционерлар ва жадидалар авлодлари ўзида сақлаб қолган нодир манбаларни марказга тақдим этмоқда.

Кутубхонада нафақат жадидалар, балки Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий каби буюк мутафаккирлар ташкил этган илмий мактаблар бўйича ҳам алоҳида бўлимлар мавжуд. Бу ерда уларнинг асарларига ёзилган шарҳлар ва замонавий илмий тадқиқотларнинг тўпланиши Биринчи, Иккинчи ва Учинчи Ренессанс ўртасидаги маънавий кўприкни мустақкамлайди. Бу кутубхона шунчаки китоб сақлаш жойи эмас, балки миллатнинг “генетик код”ни асровчи хазинадир. Жадид боболаримиз айтганидек, “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда”.

Бутун марказда тўпланаётган ҳар бир нодир қўлёзма ва китоб Ўзбекистоннинг ёруғ келажиги учун хизмат қиладиган илм булоғидир. Маърифатпарвар аждодларимизнинг меросини ўрганиш ва халққа етказиш бизнинг нафақат қарамига, балки янги Ўзбекистоннинг буюк келажигига қўйилган энг катта сармоа.

Қайтадан бунёд этилган Имом Бухорий мажмуаси эса барча мўмин-мусулмонлар учун энг муносиб туҳфа бўлди. Юртимизда ривожланган давлат, эркин жамият пойдеворини бунёд қилиш учун, энг аввало, илм ва таълим дегадан олий мақсад ҳаётга жорий этилмоқда. Зеро, муқаддас ислом дини инсонни доимо илму маърифатга даъват этади.

Имом Бухорий мажмуаси буюк аждодимиз номига муносиб муҳташам зиёратгоҳга айланди. Мажмуага кирганлар аллоمان нафақат зиёрат қилин, балки у зот қолдирган улкан илмий ва маънавий меросни ўрганиш деб бир гўзал музей ҳам барпо этилди. Аникроги, оддий музей эмас, катта бир илмий мажмуа бунёд бўлди.

Иккала гўзал иншоот моҳиятида ота-боболаримизнинг ҳам исломга, ҳам дунё тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси акс этиб турибди. Ушбу илм-маърифат, тинчлик ва эзулик мажмуалари мамлакатимизда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратиш ғоясининг ҳаётга изчил таътиб қилинаётганидан яна бир иншоотдир. Бу обидалар халқимизнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти янада юксалиши, бой мероси янада чуқур



ўрганилиши ва дунё миқёсда эътироф этилишига ҳисса қўиши шубҳасиз.

Қисқаси, юртимизда фуқаролар диний эркинлигини таъминлаш, бағрикенглик, ислом маърифати ғоясини тарғиб қилиш борасида кенг қўллами ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги масжидлар, улуг аждодларимиз ном билан аталаётган мажмуалар барпо этилмоқда, диний таълим муассасалари очилляпти. Соҳада халқаро ҳамкорлик тобора ривожланиб, чет эллик таниқли уламулар тез-тез диёримизга ташриф буюрмоқда, нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқалар мустақкамланыпти. Буларнинг барчаси юртдошларимизга чексиз қувонч ва ўзгача ғурур бағишляпти.

Бутун дунёда тинчлиги ва хотиржамлигини йўқотган мамлакат ва у юртларда истиқомат қиладиган инсонлар ҳаёти, таъбир жоиз бўлса, нуруни йўқотган, зимистонда қолганга ўхшайди. Бу воқеаларни кўриб, эшитиб турган инсонлар ибрат олиб, хулоса чиқариб, ўзлари учун инъом қилинган тинчлик ва хотиржамлиқни қадрлаш, асраб-авайлаш лозим.

Шунинг учун ҳам биз юртимизда ҳукм суратган тинчлик, хотиржамликни сақлаш, турли ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, фитна ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, ғаразли ва манфур кимсаларнинг макр ва пуч ғояларига учмасдан, алданмасдан, ёшларимизни ҳам уллардан хабардор қилиб, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этишни долзарб вазиа сифатида билмоғимиз лозим.

Ислоҳотлар остонаси

Президентимизнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, “маҳалла бюджети” тизими жорий этилди. Энди фуқаролар тўлаган мол-мулк ва ер солиқларининг 10 фоизи ҳар бир маҳалла учун очилган ҳисобрақамларга йўналтирилмоқда. Маблағнинг тўғри ва мақсадли сарфланишини эса “маҳалла еттилиги” назоратга олган.



— Маҳалламиз туман марказидан узоқда жойлашган, — дейди Бағдод туманидаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зайлобиддин Шукуров. — Яқингача маҳалла

фаровонлиги билан боғлиқ бирор харажатли иш чиқса, маблағни қаердан олишни, кимдан сўрашни билмасдик. Мана, муаммо ҳал бўляпти. Ҳозиргача маҳалламиз бюджетиде

ҲАР БИР МАҲАЛЛАНING ЎЗ МАБЛАҒИ БОР

36 миллион сўмдан ортик маблағ йиғилди. Маҳалла ошлар билан кенгашиб, 8 миллион сўмини яқка-ёлғиз, кам таъминланган, ижтимоий ҳимоядаги оилаларнинг уй-йойини таъмирлашга сарфлади. 3 миллион сўмга худуд назорати учун камера ўрнатдик. Маҳалла кутубхона фонддини бойитиш учун қарийб 1 миллион сўмлик адабиётлар харид қилдик. Бундан ташқари, маҳалланинг моддий-техник таъминоти яхшиланди. Замонавий илмий тизимлари ўрнатилди. Қўлай жиҳати, жамгарма-мизда ишлатилмай қолган маблағ сақланади. Йил ўтган йили фойдаланилмаган пулни бу йил жамғарилган маблағ билан қўшиб, катта лойиҳага йўналтириш мумкин.

Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Хусусан, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк ва ер солигини йиғиш кўрсаткичини оширишдир. Муҳими, шу орқали янги ижтимоий лойиҳалар учун қўшимча маблағ жалб этилади. Содда қилиб айтганда, маҳалла фаоллари мол-мулк ва ер солиғи ўз вақтида тўлашини учун аҳоли орасида ўтказиладиган тарғиб-ботларда қатнашар, аммо бундан тегишлича манфаатдор эмас эди. Энди уларнинг айни хизматлари учун аҳолидан йиғилган солиқларнинг бир қисми маҳалланинг ўзида қоладиган бўлди.

— Ҳар бир маҳалланинг ўз маблағига эга бўлиши мазкур тузилмани аҳолига янада яқинлаштирди, имкониятларини кенгайтирди, — дейди Риштон туманидаги “Оқтомир”

маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустамжон Тошпўлатов. — Маҳалламизда 4580 киши яшайди. Жорий йилда 600 миллион сўмдан ортик солиқ тушумини йиғиш учун тарғиб-боти бошлаб юборганмиз. Солиқлар ўз вақтида йиғилса, жамгармамизга 60 миллион сўм маблағ берилади. Бунинг ҳисобидан тунги ёриткичлар, кузатув камералари, йўл четига лотоклар ўрнатиш, пиёдалар йўлагини қуриш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашдек эзгу ишларни режа қилганмиз. Маҳалламиз кундан кун обод бўлиб бормоқда. Ўтган йили “Ташаббус-ли бюджет”нинг иккинчи масъумида голиб бўлдик ва ички йўлларнинг муайян қисми асфальтлашига эришдик.

“Маҳалла бюджети” тизими жорий этилиши худудлар ободлигига катта ҳисса қўшмоқда. Аҳоли кундалик ҳаётда муҳим бўлган инфратузилманинг самарадорлигини ошириш имконини бермоқда.

— Ўтган йили вилоятимиздаги 1063 маҳалла фуқаролар йиғинида очилган жамгармаларга 42,3 миллиард сўм келиб тушди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Адхамжон Зиёвуддинов. — Бу маблағнинг асосий қисми кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, бинолар, йўл, сув, электр ва бошқа инфратузилма тармоқларини таъмирлаш каби ишларга сарфланмоқда. Умуман, маҳаллаларнинг фаолиятга бевосита дахлдор замонавий ёндашувлар ютуқлар қўламини оширмоқда.



Биргина “Рақамли маҳалла” платформаси орқали жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 9000 дан зиёд ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. 2500 дан кўпроқ оила камбағал оилалар реестридан чиқарилди. Камбағаллик даражаси юқори, “огир” тоифадаги 110 маҳалла ҳамда 4 та худудда “еттилик” ҳамкорлигида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар пакети шакллантирилди. Шунингдек, 300 киловатт қувватли кичик фотоэлектр станциялари

қуриш учун зарур ер майдонлари аниқлаб олинди. Худудларда ижобий натижа берган юқори даромадли тажрибалар огир маҳаллаларга кўчирилиб, камида 50 та хонадонни бир йўналишда иختисослаштириш чоралари қўрилмоқда. Вилоятимиздаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қурилиши бошланган.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

2026 йил 1 апрель, 62-сон



Кун мавзуси

БУГУНДАН БАЪЗИ ХИЗМАТЛАР НАҚДСИЗ ТЎЛОВГА ЎТМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакат иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ҳужжатлардан бири сифатида баҳоланмоқда. Мазкур фармон билан бугундан бошлаб иқтисодиётнинг қатор муҳим йўналишларида ҳисоб-китобларни нақд пулсиз шаклга ўтказиш амалиёти кенг жорий этилмоқда.



Жумладан, давлат хизматлари, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув учун тўловлар, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари савдоси, ёнлиги қўйиш шохобчалари ҳамда электр транспортларини зарядлаш хизматлари, қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар, шунингдек, кўчмас мулк объектлари ва айрим тоифадаги транспорт воситалари олди-сотди сиз нақдсиз шаклда амалга оширилади. Бу ўзгаришлар иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, молиявий оқимларни назорат қилиш ҳамда уларни янада шаффоқлаштиришга хизмат қилади.

Марказий банк таъбиричи ўринбосари Нодирбек Сайдуллаевнинг таъкидлашича, ёнлиги қўйиш шохобчаларида хизмат кўрсатиш жараёнида асосий мақсад — фуқароларнинг тўлов усули сабабли хизматдан фойдалана олмай қолганининг олдини олишдан иборат. Унинг сўзларига кўра, ҳатто автомобиль эгасида карта бўлмаган ёки ҳисобидида маблағ етарли бўлмаган ҳолатларда ҳам миқдор ўз ишини ақилга етказишни учун зарур шароит яратилмоқда.

Нақд пул айланмасининг юқори улуши кўпинча яширин иқтисодиётнинг кенгайишига сабаб бўлади. Чунки нақд пул орқали амалга ошириладиган операцияларни тўлиқ назорат қилиш мушкул. Бу эса норасмий иқтисодий фаолиятга кенг йўл очади. Шу сабабдан нақдсиз ҳисоб-китобларни кенг жорий этиш давлат учун технологик янгилашни билан бирга стратегик иқтисодий ислохот сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Айниқса, йирим молиявий операцияларнинг банк тизими орқали амалга оширилиши молиявий интизомни мустаҳкамлайди, солиқ тушумларини оширади ва ноқонуний операцияларни кескин камайтиради. Бу, ўз навбатида, давлат бюджетни барқарорлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Статистик маълумотлар аҳолининг рақамли тизимга тез мослашаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, 2025 йилда транспорт соҳасида 692 миллион транзакция амалга оширилган бўлиб, бу кўрсаткич 2024 йилдагига нисбатан 36 фоиз ошган. Транспорт карталари орқали амалга оширилган 213 миллион транзакция ва бу йўналишдаги 52 фонзли ўсиш кўрсаткичи нақдсиз тўлов воситалари кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланаётганини кўрсатади.

Энг аҳамиятлиси, мобил иловалар ва виртуал карталар орқали тўлов ҳажмининг 234 фоиз ошгандир. Бу рақамли технологиялар аҳоли орасида жадал суръатда

оммалашаётгани ва молиявий хизматлардан фойдаланиш маданияти юксалаётганини англатади.

Тошкент шаҳри жамоат транспорти мисолида бу жараён янада яққол намоён бўлади. Бир йил давомида тушумларнинг 644 миллиард сўмга етгани, йўловчилар сонининг 206 миллионга чўкма ва транзакциялар ҳажмининг кескин ошгани тизим самардорлигини тасдиқлайди. Энг муҳими, мазкур ўзгаришлар аҳоли учун жиддий ноқулайликлар келтириб чиқармади, аксинча, хизматлардан фойдаланишни енгиллаштирди.

Кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича битимларнинг нақдсиз шаклга ўтказилиши эса иқтисодиётда шаффоқликни янада оширади. Харидор томонидан банк орқали эскроу ҳисобварақ очилиши ва маблағнинг фақат битим тасдиқланганидан сўнггина сотувчига ўтказилиши молиявий хавфсизликни таъминлайди. Шу билан бирга, маблағни пластик картага ёки нақд шаклда олиш имкониятини сақлаб қолди тизимнинг мослашувчанлигини таъминлайди.

Бугун рақамли тўлов тизимлари нафақат иқтисодий самардорликни оширмоқда, балки аҳоли учун қўлай ва замонавий инфратузилмани шакллантирмоқда. Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан ушбу жараённи қўллаб-қувватлаш мақсадида инфратузилмани кенгайтириш ишлари жадал бажарилмоқда.

Хусусан, банклар томонидан автоматлаштирилган депозит машиналарнинг 24/7 режимида ишга туширилиши аҳолига қўшимча қўлайлик яратмоқда. Ушбу қурилмалар орқали барча турдаги банк карталарини тўлдирини, кредит тўловларини амалга ошириш ҳамда юридик шахслар ҳисобварақларига маблағ киритиш имконияти яратилган. Энг муҳими, айрим операциялар бўйича қўшимча комиссия тўловлари мавжуд эмаслиги аҳоли учун янада қўлай шарт-шароитларни таъминлайди.

Нақдсиз ҳисоб-китобларни кенг жорий этиш мамлакат иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқадиган муҳим қадамдир. Бу жараён иқтисодий шаффоқликни таъминлаш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, молиявий интизомни кучайтириш ва замонавий рақамли иқтисодиётни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Энг муҳими, бу ислохотлар аҳоли манфаатларини инобатга олган ҳолда, улар учун қўлай ва самарали тизимни яратишга хизмат қилмоқда.

Сардор ТОЛЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ:

Натижа салмоқли, галдаги вазифалар кўлами янада кенг

Келажақда иқтисодий фойда ёки ижтимоий самара олиш мақсадида маблағни муайян вақт давомида аниқ мақсадга йўналтиришга мўлжалланган ҳужжатлар тўплами инвестицион лойиҳа саналади. Жаҳон тажрибасидан ҳам маълумки, инновация ва илмий-техник фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишида инвестиция катта фойда келтиради.

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида ҳам босқичма-босқич амалга оширилаётган муҳим инвестицион лойиҳалар янги қаторни ўзлаштириш, гидрометаллургия заводларини ишга тушириш, амалдаги корхоналарни модернизациялаш орқали маъданни қайта ишлаш қувватлари, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Комбинат таркибиде йирим конлар, заводлар мавжуд. Бу ерда фаолият самардорлигини ошириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва энг яхши жаҳон стандартларига риоя қилиш учун корпоратив бошқаруving ёндашувлари доимий равишда такомиллаштирилмоқда.

2025 йил комбинат жамоаси фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёнида илҳомли натижаларга эришилди. Хусусан, ўтган йили 135,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллаштириш дастури асосида 1,4 триллион сўм қийматдаги маҳсулот тайёрланди, тармоқлараро санат кооперацияси доирасида 7,3 триллион сўмлик маҳсулот харид қилинди. Инвестиция дастури бўйича 561 миллион доллар ўзлаштирилди, қатор лойиҳалар амалга оширилди ва бунинг ҳисобига 2,6 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Комбинатда санат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва инвестиция дастури ижроси, корпоратив бошқарув, иқтисодий ва молиявий йўналишлардаги ишлар, жараёнларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, кадрлар тайёрлаш, ишчи-ходимларнинг билим ва малакасини ошириш, жисмоний ва юридик шахслар муносабатлари билан ишлаш, коррупцияга қарши курашиш ҳамда очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш бўйича қилинган ишлар журналистлар иштирокида алоҳида таҳлил этилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили НКМКда ишлаб чиқаришда ўсиш суръати 2024 йилдагига нисбатан 102,1 фоизга ташкил этди. “Мурунот конини ўзлаштириш, V навбат, 1-босқич” инвестиция лойиҳаси 2025 йил якуни бўйича тўлиқ амалга оширилди. 2-гидрометаллургия заводиде қўшимча 30 та сорбцион ускуна, 2 та қуюлтиргич қуриш,



Таҳлил ва таққос



16-насос станциясини реконструкция қилиш, майдалаш цехининг иккинчи биносини кенгайтириш ва цехнинг иккинчи навбати лойиҳаси асосида 33-тегирмон блокнинг монтаж қилиш ишлари бажарилди. “7-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш қувватини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси доирасида эса заводда яна 4 та янги майдалаш тегирмони ишга туширилгани ҳам илҳомли ютуқлар қаторида эътироф этиш мумкин.

“Қоққатас ва Довғизтоғ олтин конларида маъдан қазиб олиш III навбати” инвестиция лойиҳаси доирасида ўтган йилда 3-гидрометаллургия заводиде 9- ва 10-боексидлаш модуллари, Довғизтоғ конида узунлиги 1900 метр бўлган даврий оқим технологиясини мажмуаси ишга туширилди. “Зармитан конининг кўйи горизонтларини ўзлаштириш” инвестиция лойиҳаси асосида 2025 йилда конда замонавий муҳандислик иншооти — диаметри 6,5 метр ва чуқурлиги 1000 метр бўлган шахта стволни ишга туширилди.

Комбинатда коррупцияга қарши курашиш самардорлигини ошириш, очиқлик ва шаффоқликни таъминлашдаги чора-тадбирлар дастури ва “Йўл харитаси” ижроси тўлиқ бажарилди.



— Ўтган йили ишчи-ходимлар ўртасида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ва профилактик тадбирлар ўтказилиб, қарийб 10,8 миң ишчи-ходим қамраб олинди, — дейди НКМК комплаенс хизмати бошлиғи Рустам Азиев. — Ўтган йилнинг июль ойида НКМКда халқаро сертификатловчи ташкилот томонидан кузатув аудити ўтказилди ва коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг халқаро стандарт талабларига мувофиқлиги тасдиқланди. Комбинат фаолиятига оид очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар www.pgmk.uz расмий веб-сайтида доимий тарзда янгиланиб боришмоқда. Олий Раёсат Сенати, Ўзбекистон ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Гендер тенглик фаоли” миллий талловининг республика босқичида НКМК “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика ташкилоти” номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Ўтган йили комбинатда ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига рақамли технологиялар жорий этиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, “Рақамли 7-гидрометаллургия заводини яратиш” лойиҳаси доирасида заводда технологик жараёнларни бошқаришнинг мавжуд автоматлаштирилган тизимлари модернизация қилиниб ва улар завод оператив диспетчерлик бошқаруvingни автоматлаштирилган тизимига интеграллаштирилиб, бошқарув жараёнида сўнғий интеллектуал технологиялари жорий этилди.

— Бугунги кунда комбинатимиз тизимида 50 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилади, — дейди НКМКнинг ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Анвар Ризиев. — Уларнинг 6 мингдан ортигини хотин-қизлар, салкам 12 мингини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Олий маълумотли ходимлар сони 14 мингга яқин. 2025 йилда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида 17 миң 686 ишчи-ходим ўқитилди. Комбинатда қарашли 5 та ўқув марказида 14 мингдан зиёд ишчи белгиланган дастурлар бўйича қайта тайёрланди ва малакасини оширилди. 2771 рақбар ва муҳандис-техник ходим соҳаси бўйича республика олий ўқув юртилари, хоржий марказларда малакасини ошириди. Олий ўқув юртиларининг қарийб 700 битирувчиси комбинат корхоналарига ишга қабул қилинди.

2026 йилда ҳам “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида барча йўналишларда вазифа ва режалар белгилаб олинган. Шунингдек, қатор инновацион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Улар ҳамкорлар билан биргаликда амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Обод манзиллар

ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ РАМЗИЙ ИФОДАСИ

Ўтган йил куз фаслида давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи чоғида Норин туманидаги Шўрарик маҳалласида бўлиб, уни тубдан янгилаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш ва замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Маҳалланинг “Янги Наманган” деб қайта номланиши эса ушбу ҳудудда бошланган кенг кўламли янгилашниларнинг рамзий ифодасига айланди.



Бугунги кунда мазкур маҳалладаги бунёдкорлик ишлари нафақат кўламли, балки мазмун жиҳатидан ҳам мутлақо янги босқичга кўтарилган. Энг муҳими, бу жараёнлар тизимли ва аниқ режа асосида кечмоқда. Маҳаллада доимий штаб ташкил этилиб, аҳолининг ижтимоий ҳолатини ўрганиш, инфратузилмани яхшилаш ва янги даромад манбаларини яратиш бўйича манзилли ишлар йўлга қўйилди.

Инфратузилмани ривожлантириш босқичидаги ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, 10,7 километр ички йўл тўлиқ асфальтланди. Бу эса аҳолининг кундалик ҳаракатини енгиллаштириш билан бирга иқтисодий фаолликни ҳам оширди.

Сув таъминоти учун 13,8 километр тармоқ тортилди, 110 метр қудуқ қазилди. Шунингдек, 5200 метр ариқнинг 960 метр қисми бетонлаштирилиб, 1200 метрига лоток ётқизилди.

Энергетика ва коммунал хизматлар соҳасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, 222 та эски симёғоч янгисига алмаштирилди. Худудий газ таъминоти корхонаси томонидан 975 та хонадонда суюлтирилган газдан хавфсиз фойдаланиш учун замонавий монтаж ишлари бажарилди.

Ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар маҳалла қиёфасини мутлақо ўзгартирмоқда. Айниқса, аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида 100 қатновга

мўлжалланган оилавий шифокорлик пункти қурилиши алоҳида аҳамиятга эга. Илгари фуқаролар тиббий хизмат олиш учун туман марказига боришга мажбур эди. Шу

билан бирга, маҳаллада 3 қаватли замонавий марказ, хизмат кўрсатиш объектлари, янги мактаб (13,5 миллиард сўм), мактабгача таълим ташкилоти (14,5 миллиард

сўм), оилавий поликлиника (5,2 миллиард сўм), ёшлар ва маданият марказлари давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилмоқда.

— Янги Наманган маҳалласидаги ишлар алоҳида тизим асосида йўлга қўйилган. Тасдиқланган мастер-режага мувофиқ, бу ерда фақат инфратузилма эмас, балки аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини яратиш ҳам устувор вазифа ҳисобланади, — дейди туман ҳокими Жўрабек Нурматов. — Жумладан, касб-хунар коллежи ҳудудида 0,42 гектар майдонда кичик санат зонаси ташкил этилиб, санат ипотекаси орқали 6 та ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса камида 300 та янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Иқтисодий фаолликни ошириш ишлари ўз самарасини бермоқда. Маҳалланинг 8 та кўчаси балиқчилик, лимончилик, асаларичилик, узумчилик ва хунармандликка ихтисослаштирилмоқда.

100 дан ортиқ тадбиркор билан мулоқотлар ўтказилиб, улар мастер-режа асосида ҳудудга жойлаштирилмоқда. Кам

таъминланган оилалар хонадонлари таъмирланмоқда, асосий йўллар обод этилмоқда, йўл четларига манзарали дараклар экиш бошланган. Шунингдек, ёшлар учун мини-стадион қуриб берилди. Энг муҳими, мазкур ишлардан нафақат Янги Наманган маҳалласи, балки атрофдаги Қозоқовул, Иброт, Тошлоқ, Тўлқин каби маҳаллаларда яшовчи қарийб 30 миң аҳоли ҳам бевоқифа манфаатдор бўлмоқда.

Ҳа, маҳалладаги кенг кўламли ишлар худудлар ривожланаётганининг амалий ифодасидир. Бу ердаги ҳар бир лойиҳа, ҳар бир бунёдкорлик инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Янги Наманган — оддий маҳалла эмас. У бугун мамлакатимиздаги ислохотларнинг жонли намунаси, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган сўзсизнинг амалий натижасидир. Бу ердаги ўзгаришлар нафақат худуд қиёфасини, балки инсонлар тафаккурини ҳам янгиламоқда.

Одилжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
ушмаса аъзоси

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 февралдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мактабгача таълим тизимига хусусий секторни фаол жалб қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Айниқса, қамров даражаси паст бўлган туман ва шаҳарларда тадбиркорлар учун кенг қўламли иқтисодий ва молиявий имтиёзлар жорий этилди.



ЖАМИЯТ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ҲАМКОРЛИГИ



Бу чора-тадбирлар орқали давлат мактабгача таълим хизматларини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик тамойилини кучайтириш, янги боғчалар сонини ошириш ҳамда болаларни таълим билан қамраб олиш даражасини барқарор юксалтириш мақсад қилинган. Фармонга мувофиқ, бугун — 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамрови 80 фонздан паст бўлган туман (шаҳар)ларда давлат мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг бўш ер майдонларида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар ташкил этган тадбиркорларга бир қанча имтиёзлар берилди. Шунингдек, уларга қатор қўшимча имкониятлар яратилди. Жумладан, ер майдони учун ижара тўловлари 30 йил давомида ундирилмайди, муддат тутагач, мазкур боғча

давлат балансига ўтказилади. Ҳар бир бола учун давлат боғчасида сарфланадиган харажатнинг 50 фоизи миқдорда субсидия электрон даволат асосида ажратилади. Бу механизм тадбиркор учун молиявий хавфни камайтиради, давлат учун эса янги таълим ташкилотларини қисқа муддатда ташкил этиш имконини беради. Фармонда давлат-хусусий шерикликдан ташқари мустақил хусусий боғчалар ташкил этувчи тадбиркорлар учун ҳам катта имтиёзлар белгиланди. Хусусан, қуввати 150 ўридан кам бўлмаган нодавлат боғча қуриш учун 7 йилгача муддатта 5 миллиард сўмгача кредит ажратилади. Кредит фоизи Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори қилиб белгиланади. Ер участкалари аукцион орқали ажратилади ва ҳар йили ҳудудлар

бўйича мақбул ерлар рўйхати эълон қилиб борилади.

Хужжатда нодавлат боғчаларда ишлайдиган тарбиячиларни қўллаб-қувватлаш ҳам назарда тутилган. Хусусан, боғча фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг 3 йил давомида тарбиячиларнинг ойлик иш ҳақи давлат боғчаларида белгиланган миқдорда давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Ҳар 30 болага бир штат бирлиги ҳисобланади, маблаглар электрон даволат тизими орқали йўналтирилади.

Яна бир аниқлик Солиқ кодексига ўзгартириш киритилиши билан боғлиқ. Жумладан, 2030 йилга қадар ижтимоий солиқ ставкалари кескин пасайтирилди. Мазкур кўрсаткич қамрови 70-80 фоиз бўлган ҳудудларда 5 фоиз, қамрови 70 фонздан паст ҳудудларда 1 фоиз этиб белгиланди. Шунингдек, янги қуриладиган кўп қаватли уйлари биринчи қаватида боғча очган тадбиркорлар учун ҳам 3 йил давомида 5 фоизлик ижтимоий солиқ ставкаси жорий этилади.

Энг муҳими, фармонда белгиланган, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар мактабгача таълим соҳасида туб бурилиш ясади. Ер, молия, солиқ ва кадрлар бўйича яратилган қулайликлар тадбиркорларни соҳага фаол жалб этиб, таълим қамровини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу ислохотлар орқали мактабгача таълим тизими фақат давлат масъулияти эмас, балки жамият ва хусусий сектор ҳамкорлигида ривожланидиган стратегик соҳага айланмоқда.

Шерали ИКРОМОВ,
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги департамент директори

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ГЛОБАЛ МАЙДОНДА

Жаҳон тараққиётининг бугунги босқичида ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, аввало, унинг интеллектуал салоҳияти ва билимли авлодни тарбиялаш имконияти билан белгиланмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда таълим тизими, айниқса, унинг энг асосий ва ҳал қилувчи бўғини — мактабгача таълимга қаратилаётган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ошган. Айни йўналишдаги саъй-ҳаракат ва интилишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ва изчил ислохотлар халқаро миқёсда ҳам эътироф қозонмоқда.

Хусусан, нуфузли ЮНЕСКО ташкилоти соҳадаги ютуқларини юқори баҳолади. Париж шаҳрида ўтказилган “2026 йилги Глобал таълим мониторинги” тадбирларида Ўзбекистон таълими илғор намуна сифатида қайд этилди. Унда мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантириш, қамровни ошириш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш борасидаги ютуқлар юқори баҳоланди. Айниқса, ташкилот Бош қароргоҳида қабул қилинган қарор — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтига ташкилотнинг 2-тоифали институти мақоми берилиши алоҳида воқеа бўлди.

Шу билан бирга, 2025 йил ноябрда Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг очилиш маросими доирасида Президентимиз илгари сурган ташаббусларга халқаро ҳамжамият яна бир бор диққат қаратди. Тадбир давомида давлатимиз раҳбари мактабгача таълим соҳасидаги ислохотларнинг аҳамияти ва келгусидаги ривожланиш имкониятларини таъкидлаган эди. Учрашув мобайнида ЮНЕСКО Бош директори Ҳошим ал-Анани ҳам, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг ташкилот билан ҳамкорлиги мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб, халқаро таълим, маданият ва фан соҳаларидаги ташаббусларни юқори баҳолаган, Ўзбекистонни ишончли ва фаол ҳамкор сифатида эътироф этган эди.

Ташкилот фаолияти инсон тараққиётининг энг муҳим жабҳалари — таълим, илим-фан ва маданий меросни асрашни қамраб олади. Айниқса, мактабгача таълим масаласи доимий диққат марказида. Чунки инсоннинг когнитив, ижтимоий ва эмоционал ривожланишининг асосий қисми айнан эрта ёшда шаклланади.

Эътироф



Шу боис, ЮНЕСКО эрта ёшдаги болаликни асраш дастурини глобал даражада илгари сурмоқда. Бу дастур доирасида болалар учун хавфсиз, инклюзив ва ривожлантирувчи муҳит яратиш, тарбиячиларнинг касбий салоҳиятини ошириш ҳамда инновацион педагогик технологияларни жорий этиш устувор вазифалардан.

Ўзбекистон мактабгача таълим соҳасида аниқ ва туб бурилиш кузатилди. Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг халқаро мақомга эга бўлиши эса унинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Энди у нафақат миллий, балки минтақавий даражада ҳам етакчи марказга айланади. Бу ерда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илгор педагогик технологияларни жорий этиш ва мутахассислар тайёрлаш бўйича кенг имкониятлар яратилмоқда. Мазкур ҳамкорлик уфқлари эса ўзбекистонлик педагоглар учун янги истиқболларни очди. Улар халқаро стандартлар асосида малака ошириш, дунё таълимига ўрганиш ва билиминини янада

бойитиш имконига эга бўлади. Шунингдек, миллий таълим халқаро майдонда кенг тарғиб этилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мактабгача таълимга киритилган сармоя энг самарали инвестициядир. Чунки бу босқичда боланинг фикрлаш қобилияти, ижтимоий кўникмалари ва шахсий фазилатлари шаклланади. Шу боис, ЮНЕСКО томонидан ўйин орқали таълим бериш, ижодий фикрлашни ривожлантириш ва

индивидуал ёндашувни таъминлаш каби инновацион усуллар кенг тарғиб этилмоқда. Юртимизда ҳам айнан шу тамойиллар асосида таълим жараёни ташкил этилмоқда. Болаларнинг қизиқиши, қобилият ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда замонавий дастурлар ишлаб чиқилипти.

Хусусан, инклюзив таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, имконияти чекланган болалар учун ҳам тенг шарт-шароит яратилмоқда. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида мактабгача таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилимоқда. Мобил боғчалар, қисқа муддатли гуруҳлар ва инновацион таълим шакллари жорий этилаётгани аниқ жараённинг амалий ифодасидир. Демак, ЮНЕСКО билан самарали ҳамкорлик мамлакатимиз мактабгача таълим тизими ривожига янги босқични бошлаб бермоқда. Бу эса келажакда билим, кенг дунёқарашли ва рақобатбардор авлодни тарбиялашда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ҳабиб АБДУНАЗАР,

журналист

Қангли Амударё туманининг энг чекка овулларида. У Туркменистоннинг Тошқовуз вилояти билан чегарадош. Овулда қарийб 3500 киши истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпи 30 ёшгача бўлганлар. Аҳолиси содда ва самимий, меҳнатқаш, доим янгилликка интилиб яшайди. Бугун бу ерда давр талабига мос ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда.



Фаровонлик харитаси

“Қангли” овул фуқаролар йиғинидаги “маҳалла еттичилиги” кам таъминланган ҳамда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишларни бажармоқда. Жумладан, Ижтимоий реестрда турган Гулнора Ражаповага ҳомийлар бир сотихли иссиқхона қуриб берди. Бугун мазкур иссиқхона оиланинг барқарор даромад манбаига айланиб, турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Тадбиркор Анвар Муратов 2025 йили икки қаватли тадбиркорлик объекти қурилишини бошлаган эди. Ҳозир у фойдаланиш арафасида. Янги мажмуа иш бошлаши билан овул ҳудудида хизмат кўрсатиш соҳасида янада ривожланади. Ҳудуднинг ўзиде турли маиший хизматлар кўрсатиш фуқароларга қўшимча қулайлик туғдиради.

— Овулимизнинг асосий драйвери чорвачилик, паррандачилик ва асаларчилик. 300 дан зиёд киши тадбиркорлик билан банд. Аҳолининг бир қисми мавсумий ишлар билан шуғулланади. 100 дан кўп фуқаро ўзини ўзи банд қилган. Очигини айтиш керак, 700 дан зиёд ишчиларнинг бор. Уларга янги иш ўринлари очилиш, қасбга ўқитиш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар кўриляпти, — дейди “Қангли” овул фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Алламбергенов. — Қишлоқ хўжалиги овул аҳолиси турмушида алоҳида ўрин тутади. Аҳоли ихтиёридаги умумий томорқа майдони 162 гектардан иборат. 628 та хонадон эгаси шахсий томорқасига эга. Қўшимча дала томорқаси борлар ҳам оз эмас. 10 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Овулдаги 519 хонадонда 34 минг 200 дан зиёд парранда парваришланмоқда. 11 та оила асаларчилик, 2 та оила эса балиқчилик билан машғул.

Чорвачилик билан самарали шуғулланган Руфат Сапаров оиласининг фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда. Келгусида банкдан кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган.

ҲОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ЛОЙИҲАГА АЙЛАНМОҚДА

Лойиҳалар эса амалиётга татбиқ этилмоқда

— Овулимизда 10 та савдо дўкони, 4 та умумий овқатланиш шохобчаси мавжуд. Аҳолининг талабидан келиб чиққан ҳолда тўйхона қуриши ва яқин кунларда фойдаланишга топшириш арафасида турибмиз, — дейди тадбиркор Шерзод Сапарбаев. — Оилавий корхонамизда ўнга яқин иш ўрни очилиб, ёшлар иш билан таъминланади.

Аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлик ривожини асосан электр энергиясининг узлуksизлигига боғлиқ. Айниқса, “яшил” энергиянинг аҳамияти йил сайин ортиб борапти. Шу сабабли давлатимиз томонидан қуёш электр станцияларини қуриш ишлари ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Қангли овули туманининг оғир тоифадаги ҳудудларидан бири бўлгани боис, давлат томонидан 200 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Келгусида камбағал оилаларнинг 4 аъзоси бу ерда доимий иш билан таъминланади. Қуёш электр станциясида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг соддишидан тушган даромад эвазига овул ҳудудида бошқа хайрли ишларни молиялаштириш имконияти ҳам яратилади.

Маҳалладаги янги авлод тадбиркорлари

Амударё тумани Янгибод маҳалласидаги ижобий ўзгаришлар ва тизимли ишлар замирида ҳам инсонни кадрлаш, ёшлар келажакига юксак эътибор мужжасам. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг саъй-ҳаракати

билан ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида қўллаб-қувватлаш лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётган. 2026 йилининг биринчи чораги сарҳисобига кўра, Янгибод маҳалласида яшовчи 7 фуқаро оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш истагини билдирди. Бу интилиш жавобсиз қолмади. Ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан уларнинг барчасига имтиёзли кредит ажратилди. Бу сармоя чорвачилик, паррандачилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш



каби муҳим йўналишларни қамраб олгани билан аҳамиятга.

Мазкур йўналишларда иш бошлаган ташаббускорларнинг аксарияти ёшлар. Бу

эса маҳаллада янги авлод тадбиркорлари шаклланиётганидан далолат беради. Уларнинг меҳнат бозорига ўз ўрнини топиши нафақат иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши, балки ижтимоий барқарорликнинг таъминланишига ҳам хизмат қилади.

— Маҳалламизда узоқ вақтдан бери сар-тарошлик билан шуғулланиб келаман. Лекин фаолиятимни кенгайтириш, замон талабларига мос хизмат кўрсатишим учун қўшимча маблаг ва амалий кўмак зарур эди. Ҳоким ёрдамчисининг амалий ёрдами тўғрисида ишонимли замоний хизматлар ва мижозлар учун зарур қулайликларни ҳозирлашга эришим, — дейди маҳалла фаолларидан эришим Равшанбек Жумабоев. — Ҳозир сар-тарошонимиз нафақат сифатли хизмат кўрсатилиши, балки яратилган шинам шароит билан ҳам мижозлар эътиборини қозongan. Янгибод маҳалласида жорий йилнинг биринчи чорагида учта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Улар озик-овқат савдо шохобчаси, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш йўналишларида фаолият бошлади. Бу эса маҳалла аҳли учун қўшимча қулайликлар ва янги иш ўринлари очилишини билдирди. Энди фақат кредит бериш билан чекланиб қолмай, ёшларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ҳам алоҳида урғу берилаетир. Жумладан, қасб-хуна ва тадбиркорлик сирларини ўрганиш истагидаги 4 фуқаро махсус ўқув курсларига йўналтирилди. Улардан уч нафари тадбиркорлик асосларини, бири эса муайян қасб-хунарни мукамал эгаллашга киришди.

— Кўп йиллардан буён чорвачилик билан шуғулланиб келаман. Шундай бўлса-да, чорва сонини кўпайтиришга маблагим етишмас эди. Яқинда банкдан берилган 32 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан 8 бош қўй сотиб олдим, — дейди Алишер Камолов. — Ишларим ривожланиб кетишига ишонаман.

Чорвачилик қишлоқ шароитида энг ишончли даромад манбаларидан. Кўй боққида иқтисодий самарадорлик юқорилиги, гўшт ва жун маҳсулотларига талаб мавжудлиги Алишер каби меҳнатсевар ёшларнинг оиласи фаровонлигини таъминлаш имкониятини кенгайтирмоқда.

— Маҳалламизда камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2026 йил давомида Ижтимоий реестрга киритилган 44 оиланинг аҳоли

қисмига маблаг берилади. Даромад манбаига айлантирилган юртдошларимиздан. У эрининг ҳар қачонидан унумли фойдаланиб, юқори даромад олишга эришмоқда. Қишлоқ хўжалиги техникаларининг субсидия асосида берилиши эса деҳқонларнинг оғирини енгли қилмоқда.

Ҳоким ёрдамчисининг келгусидаги режалари янада улкан. Ҳозирга қадар камбағал оилаларнинг 4 аъзоси доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 8 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали расмий фаолият бошлади. Йил бошидан буён ишсиз 9 фуқаро мавсумий ва доимий меҳнатга жалб этилди. Норасмий секторда ишлаганларнинг расмийлаштириш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар ҳам изчил давом этмоқда.

Янгибод маҳалласидаги бундай манзара юртимиздаги ислохотларнинг амалдаги ифодасидир. Ёшларнинг тадбиркорликка иштиёқи ошаётгани, уларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва имтиёз келажакда юксак натижалар бериши шубҳасиз. Зеро, ўз меҳнати билан бахтини топаётган, оиласи ва жамиятга нафти тегаетган ҳар бир ёш юртининг эртанги таянчидир.

Минаятдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Очерк

Давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра, жорий йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотланганлар сафида гўзорлик Салима Хуррамова ҳам бор эди. "Гўзор қорақўлчилик" МЧЖ бош чўпони билан суҳбатлашиб, у ҳақда ёзиш мақсадида йўлга чиқдик. Аммо опани топиш осон кечмади.



Айтишларича, чўпонлар жойлашган манзилга тахминан эллик чақирим йўл юриш керак. Машина дашт оралаб, пасту бандликлар оша олган интилади. Гўзор кенгликларининг адоги кўринмайди. Атроф яшилликка бурканган. Тўрт-беш чақирим масофани босиб ўтганимиздан сўнг аҳоли яшаш жойлари ҳам ордада тўхтади. Соиларда нефть-газ соҳасига тааллуқли техниклар кўзга ташлана бошлади. Айрим жойларда баланд қувурлар кўринадди. Газ конлари жоловланиб, қайта ишлаш учун заводга йўналтирилган. Соҳа вакиллари тинимсиз ишлайпти. Улар сабаб бу кенгликларда ҳаёт алломти сезилди.

Анча йўл босганимиздан сўнг катта сой томонда қўй-қўзилар кўринди. Тепаликдан айланиб ўтдик. Шинамгина хуридан уй олди-да тўхтади. Сал нарида учта кўра қилинган. Машиналардан тушишга шайланганимизда қаердандир ит пайдо бўлди. Бегона эканимизни сезиб, уйга яқин йўлатгани келмади. Шу пайт кўра томондан чўпон кўриниб берди. У итнинг бўйига арқон солди. Мезон билан

Дашт тарафдан "қурей, қурей" деган овоз эшитилди. Шу томон термиламиз. Бир сой наридан чўпон опа бир сурув қўйни ҳайдаб биз томон келарди. Бир зумда атрофни қўй-қўзиларнинг маъраши босиб кетади. Изма-из келаётган сурув бошини кўтармай ўтлайди. Қўзичоқлар гоҳида сакраб, ўйинқароқлик қилади. Чўпон яқинлашади. У биз излаб келган Салима опа эди.

ДАШТ ОДАМЛАРИНИНГ Баъет сири

"Шухрат" медали соҳиби Салима Хуррамованинг ҳаёти ва фаолияти

салом-алиқдан сўнг Салима опани сўрадик. Уй эгаси аёл нариги томонга кетиб қолган қўйлари излаб юргани, ҳализамон келиб қолишини айтди. Фурсатдан фойдаланиб, тепалик томон шоқдик.

Атрофдаги гўзалликдан кўз қувнайди. Бутун олам яшилликка бурканган. Эрталаб бўлгани боис, қуёш тафти энди сезилмоқда. Кечаги совуқдан қовоғи осилган бойчақлар секин бош кўтармоқда. Қоқиғуларнинг ранги бир оз ўзгарган. Кўклагга узала тушиб ёганча, тиниқ осмонга термилиб хаёл сургиси келади одамнинг. Олис-олиқдан дўмбирага жўр бўлган чанқовуз саси келади. У ўлкамизга баҳор кириб келганидан дарак бераётгандек. Кўнгилларда ажиб ҳис жўш уради. Шу пайт мусаффо осмонда турналарнинг товуши эшитилди. Баҳор даракчилари анча баландда парвоз қилипти.

Дашт тарафдан "қурей, қурей" деган овоз эшитилди. Шу томон термиламиз. Бир сой наридан чўпон опа бир сурув қўйни ҳайдаб биз томон келарди. Бир зумда атрофни қўй-қўзиларнинг маъраши босиб кетади. Изма-из келаётган сурув бошини кўтармай ўтлайди. Кўзичоқлар гоҳида сакраб, ўйинқароқлик қилади. Чўпон яқинлашади. У биз излаб келган Салима опа эди. Қўлида таёқ, Юриши дадил. Саломлашдик. Унинг тақлифи билан майсага ўтириб, суҳбатни бошладик.

— Бу йил баҳор серегин бошланди. Осмонда булут кўринса, биз каби

чорвадорларнинг кайфияти кўтарилади. Кўриб турганингиздек, қўйлар ўт-ўланга тўйиб қолди. Яқин уч-тўрт йилдан бери бунчалик баракали баҳор бўлмаган эди. Қўзилар ҳам соғлом. Совлиқлар тўйиб ўтласа, боласи яхши ривожланади. Яхши сут беради. Соғиб олишимизга ҳам етади, — дейди суҳбатдошимиз. — Аслида, чўпонлик қайнотамдан мерос. У ўз даврида катта чорвадор бўлган. Бир пайтлар шу хўжаликнинг қўйини боқарди. Кейинчалик турмуш ўртоғим билан бирга ишнини давом эттирдик. Гоҳида дугоналарим доим дала-даштда юришини гапирди. "Қишлоқдан олиқса, бир хил иш қилиб зерикмайсанми?" деб сўрашади. Йўқ, дейман. Чунки чўпонлик — мен учун севимли касб. Шу кенгликларда юрсам, дилим яйрайди. Аксинча, шаҳар ёки қишлоққа борсам, юрагим сиқилади.

Бугун Салима опа "Гўзор қорақўлчилик" МЧЖда бош чўпон. Доим яйлорда юради. Шундай бўлса-да, рўзгор ишларини ҳам, чорва боқинини ҳам бирдек уйдалаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Тўқтин ака ҳам чўпон. Улар йилгирма йилдан зиёд вақт мобайнида бирга меҳнат қилиб келмоқда. Ҳаёт чорраҳаларидаги қийинчиликларни ҳамжихатликда енгиб ўтгапти. Шу касб орқидан рўзгори буг. Уч ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказди.

— Чорвага эргашиб юриш кишидан кучли ирода талаб этади, — дейди Салима опа. — Кун давомида оёқда тик юриш керак. Гоҳида бир кунда ўттиз-қирқ чақирим йўл босишга тўғри келади. Сурувини тўйдирishi учун қанча кўп ҳайдасангиз, шунча яхши. Бизни мансумларда сурувини кечаси яйлорга ҳайдаш керак. Шундай пайтларда бўрибосар итлардан бошқа ҳамроҳ



топиламан. Бу касбнинг оғирлиги ҳам, енгиллиги ҳам чидаш зарур. Айниқса, табиатнинг инжиқликлари чорвадорларни баъзида қийнаб қўяди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди: бир йили май ойида кечга қадар осмонда қоп-қора булутлар пайдо бўлиб, шамол турди. Атроф дастлаб чангио кетди. Уша пайтда ўтовда яшардик. Қизим икки ойлик гўдак эди. Бир пайт жала ёғ бошлади. Издан дўл бошланди. Ўтов ичига қизимни олиб ўтирдим. Шу маҳал ўтов ичига катталги пиёладаги думалоқ оқ нарса тушди. Нима эканини англашга улгурмасидан тинимсиз туша бошлади. Билсам, дўл шунчалик

катта бўлиб ёғаётган экан. Боланим кучоқлаганча қайга паналашни билмай югуриб, кўрага кирдим. Ўн даққача бормай, дўл ўтовни ер билан битта қилди. Отарнинг аҳолини кўриб, дод деб юборгим келди. Аксарият қўйлар нобуд бўлди. Иккита сигирдан айрилдик. Атроф чалажон қўйлар билан тўлди. Кўз очиб-юмгунча аянчи манзара ҳосил бўлди. Ушандаги катта йўқотиш хануз ёдимдан чиқмайди. Бундай офатдан Яратган асқон.

Чўпон аёлнинг ҳиқолатларини тинглаб, шунча машаққатга қарамай касбидан дов кечиб кетмаганига тасанно айтдик. Ана шу сабр, чидам

ортидаги машаққатли меҳнат эътибор қозонди, мукофотга муносиб кўрилди.

— Ушанда байрам арафаси эди. Хув нариги тепаликка қўй боқиб ўтирдим. Бир пайт турмуш ўртоғим қўлида телефон билан мен томон шошиб келди, — дейди суҳбатдошимиз. — Нима гап экан деб хавотир олдим. Мени сўрашаётган экан. Антенна излаб тепаликка чиқдик. Шу пайт кўнгирак бўлди. Жавоб берсам, фермаим раиси экан. "Табриклаймиз, медал муборак бўлсин", дейди. Хайрон бўлиб, "Кимга, қандай мукофот?" дебман. Шу билан суҳбатимиз тугади. Турмуш ўртоғимга қарайман. У ҳам ҳеч нарсага тушунмаганини айтди. Сўнг раисга қайта кўнгирак қилдик. Нима гап эканини сўрадик. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра "Шухрат" медали билан мукофотланганини айтди. Ушандаги қувончимни таърифлаб беролмайман. Ерга ўтириб, анча вақтгача ҳаяжондан ўзимга келолмадим. Кўз олдимдан шунча йиллик меҳнатим бирма-бир ўтиб, қилган ишларим муносиб тақдирланганига ишонолмасдим. Юртинг чека бир манзилдаги оқдй чўпон эди Президентимиз эътиборига тушгани мени жуда гурурлантирди. Демак, бу юртда ҳеч ким эътибордан четда эмас экан.

Чўпон опа ханузгача медални кўксидан олмай, билдирилган ишончини оқлаш учун янада жидду-жаҳд билан меҳнат қилипти. Ҳозир 250 бош совлиқни келгуси йили янада кўпайтиришни мақсад қилган. Бунинг учун тажа-риба ҳам, сабр-қаноат ҳам етарли.

Акбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Мулоҳаза

Миллий кадриятлар бамисоли соғлом ҳужайрага, оммавий маданият таъсири эса саратон ҳужайрасига ўхшайди. Хлорофил усули саломатликни тиклашга хизмат қилиш орқали ёт организмларга қарши курашади. Дабдабали ўзбек тўйлари ҳақида сўз юритар эканмиз, уларни чеклаш эмас, балки ихчамлаштириш, асл моҳиятини сақлаб қолиш орқали ёт организмларга қарши курашади.

Халқимизнинг энг гўзал маросимларидан бўлган тўйлар эгзу қадриятларимизни ўзида мужассам этади. Бунда янги бир оила барпо бўлади, хонадонда шодлик овози янграйди, ёш оила эл-юртга маълум қилинади. Янги оилани қуришда ота-онанинг мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимизга сунъийлигимиз худди уй қурилишини пойдевордан бошлашдек гап. Бинобарин, қурилиш ташқи безаклардан бошланмайди. Оиланинг муқаддаслиги ва мустақамлиги уни барпо этишда ҳар бир гитнинг ўз аҳамиятига эгалиги, осонгина қилинган кўчмаслиги билан ўлчанади.

Тўй маросимларидаги исрофгарчилик, дабдабозлик ҳамда оммавий маданиятнинг ёт анъаналари (бир-бирини такрорлайдиган маросимлар, исрофгарчиликнинг тарғиб қилиниши, "Love story" (муҳаббат тарихи), оммавий равишда "Менга турмушга чиқсанми?" дея тақлиф қилиниши, торг кесиши, шампань виноси улашиши ва ҳоказолар) соғлом тангага нисбатан бир неча юз баравар кичик саратон ҳужайралари каби миллий қадриятларимизга нисбатан катта хавф тугдиради.

Дарҳақиқат, бугунги глобал давр ватан манфаатини биринчи ўринга қўйишни дунё мамлакатлари қатори бизнинг олдимишга ҳам энг катта масъулият сифатида қўймоқда. Шундай бир пайтда ёт гўяларга бевосита хизмат қилишимиз, ўзимизни ўзимиз емиришимизга сабаб бўлаётганимиз, исрофгарчилик илати янада чуқурак илдиз отишига қўйиб бераётганимиз қандай баҳоланш мумкин? Ўз мавқимизни дабдабозлик билан белгилашимиз қанчалик тўғри?

"Асалга қарши асалари" иборасини эшитгансиз. Асалари ҳеч қачон асалга қарши чиқмаслигини ҳам яхши биласиз. Мазкур иборанинг моҳиятидан келиб чиқиб айтганда, тўй



Зиёда АКБАРҚУЛОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси

қилишга қарши эмасмиз, бор-йўғи тўйларни ихчамлаштириш тарафдоримиз. Бунинг оммага айтишдан тўхтамаётганимиз ва чарчамаётганимизнинг эса ўзинга хос талай сабаблари бор.

Тўйдаги ҳар бир анъана катталар назоратида кечади. Тўйда оила ва қариндошлар, яқин танишларнинг иштирок этиши унда илгари сурилаётган ҳар қандай гоя ва тарғиботнинг таъсир кучини кўпайтиради. Катта авлоднинг "орзуси", ёш авлоднинг "ҳаваси" тўқнашган нуктада азалий қадриятлар четта сурилиб, уларнинг қиймати пасаяди.

Тўй маросимини ихчам ўтказиш масаласида авлодлар бир-бирини қоралашдан, бир-бирларидан хато-камчиликлар қидиришдан тўхташимиз ва ўзбекона қилиб айтганда, дўпинини ерга қўйиб, маслаҳатга махси киширишимизнинг вақти етган, назаримда.

Шу ўринда тўйларни ихчамлаштириш бўйича Ўзбекистонда ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганган "U-Report" лойиҳасининг қуйидаги таҳлилларига эътибор қаратсак. Мамлакат бўйлаб сўровда иштирок этган 14 минг ёшнинг 70 фоизи тўйларни ихчамлаштиришни қонуний белгилаб қўйишни маъқуллаган. Респондентларнинг 63 фоизи ихчам тўйлар ўтказилишини ёқлаган бўлса, 18 фоизи бунинг маъқулламаслигини билдирган. "Ҳашаматли тўй ўтказишга нима сабаб бўлади?" мазмунидagi саволга иштирокчиларнинг 54 фоизи "одамларнинг фикри", 20 фоизи эса "ёшлар ва уларнинг ота-оналари қиладиган орзу-ҳавас" деган жавобини белгиланган.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТ БАҲСИ

Дабдабозлик ҳеч кимга наф бермайди

Шунингдек, респондентларнинг 47 фоизи ихчам тўйда тежаб қолинмадан пулни мулк ҳаридига, 17 фоизи ота-онанинг ҳордиқ чиқаришига, 12 фоизи эса тўйдан кейинги саёҳатга йўналтириш тўғри бўлишини тасдиқлаган.

Кўплаб ахлоқсизликларга сабаб бўлаётгани учун ижтимоий тармоқларни тақиқлаган, иқтисодий муаммолар кучайиб кетган Непалда ўтган йилнинг сентябрь ойида "Zeet" авлод вакиллари оммавий норозилик билдирди. Улар "Holy Bell English Secondary School" ўқувчиси Абшикар Раутнинг тендошларига бир неча йил аввал қилган қуйидаги чақиринини интeрнетда қайта тарқатиб, оммалаштирдилар:

"Хурматли устозлар, азиз тендошлар ва юртим ёшлари! Бугун биз глобализм тезлашган, ахборот оқимлари чегара билмас даражага етган, қадриятлар тўқнашуви кучайган бир даврда яшаймиз. Бу жараёнлар биз — ёшлар учун кенг имкониятлар билан бирга жиддий хавф-хатарларни ҳам олиб келмоқда. Айниқса, маънавий инқироз, ахлоқий бепарволик, ёт

гўяларга эргашиб, ижтимоий бефарқлик каби ҳолатлар ёш авлод келажаги учун катта таҳдид сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг асосий муаммолари фақат ишсизлик ёки таълим сифати билан чекланиб қолмапти. Рухий бўшлиқ, ўзлигини йўқотиш, миллий ва маданий илдизлардан узилиш, виртуал дунё таъсирида реал ҳаётдан узоқлашиш каби муаммолар жамият барқарорлигига бевосита таъсир қилмоқда. Ушбу муаммолар алоҳида шахсга тааллуқликдек туюлса-да, аслида, улар ижтимоий хавф тусини олган тизимли жараёнлардир. Агар ёш инсон ўз миллатининг тарихи, қадриятлари ва маънавий меросини англамаса, у ҳар қандай ёт мафкура таъсирига тез берилувчан бўлади. Бу эса экстремизм, зуравонлик, радикализм, ахлоқий бузуқлик каби иллатлар учун қулай муҳит яратди. Демак, маънавий таҳдидлар фақат ахлоқ масаласи эмас, балки миллий хавфсизлик билан бевосита боғлиқ ижтимоий хавфдир. Шунинг

учун ҳам биз, ёшлар фақат билим олиш билан чекланиб қолмай, маънавий масъулиятни ҳис қилишимиз, ўзлигимизни англашимиз, жамият тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Давлат, мактаб, оила ва жамоатчилик биргаликда ёшлар онгига маънавий иммунитетни шакллантира олсанига, биз барқарор ва адолатли жамиятни барпо этишимиз мумкин".

Дарҳақиқат, мазкур нутқ нафақат नेपालлик, балки дунёдаги кўплаб ёшлар учун ҳам ватанпарвар авлоднинг чақирини сифатида бошланади. Чунки руҳий бўшлиқ, ўзлигини йўқотиш, миллий ва маданий илдизлардан узилиш, виртуал дунё таъсирида реал ҳаётдан узоқлашиш каби муаммолар жамият барқарорлигига бевосита таъсир қилиб, ҳар қандай мамлакат тараққотига ва инсоният келажагига хавф тугдиришини ҳис этишимиз лозим. Қолаверса, табиий ресурслар танқислиги ва экологик муаммолар авж олаётганини била туриб, маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг янада кучайишига ҳисса қўшишдан тийилиш ватан ва дунё олдидagi бурчимиздир.

Жадид боболаримиз тўй маросимларини ихчамлаштириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш бўйича ўз даври матбуотида 150 дан ортиқ чикши қилган. Улар барча иллатларга қарши турадиган куч сифатида илм-маърифатни илгари сурган. Жадидлар қўл қовуштириб ўтирмади: янги руҳдаги мактаблар очди, дарсликлар ёзишди, театрлар ташкил этиб, спектакллар қўйишди. Озчилик кўпчиликка ибрат бўлишга интилди. Улар ўзгаришини, ўзлигимизга қайтишимизни истади, айтар гапимиз қилар амалиямизга мос келишига ундади.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда аксарият зиёли, бошқаларга ибрат бўлишга масъул ҳамюртларимизнинг ҳам жамият билан дабдаба тилида сўзлашаётганини кузатишимиз, афсуски. Изоҳларни ўқирганимиз, зиёли инсонларнинг "эл қатори" қилаётган хатоларини кўпчилик ҳам қилишмаслигига ғувох бўламиз.

Тўйда исрофгарчилик ва ахлоқсизликнинг тарғиб этилиши жамиятнинг ёшларга тўғридан тўғри салбий ибрат бўлиши эмасми? Ушбу маросимларни муҳташамликда ўтказиш учун оила бюджетига меҳнат билан кириб келаётган




маблагни "сочиб" қайси қадрият ёки анъана қолиғига тўғри келади?

Ҳар қандай қонун ёки қарорнинг тўғрилиги, кучи ва самараси унинг ижро механизмида ҳамда шароитлар билан боғлиқ. Тўйларни ихчамлаштириш ҳақида қабул қилинган расмий ҳужжатлар билан танишсангиз, уларнинг негизда исроф, дабдаба ва иқтисодий инқирознинг олдини олишга қаратилган асосли масалалар илгари сурилаётганини кўрамиз. Оиламизнинг мустақам бўлиши, молиявий аҳолиамизнинг яхшилаши, ахлоқий қиёфамизнинг гўзаллашиши, энг аввало, ўзимизга керак эмасми? Бу йил "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб номланди. Қамбағалликни қисқарттиришга қаратилган ислохотлар бир зум бўлса-да тўхтагани йўқ. Аммо жамиятни юксалтириш омилининг саёй-ҳаракати билан эмас, кўпчиликнинг меҳнати ва интилиши билан кечади.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилган хлорофил методи бугун нихоятда долзарб аҳамиятга эга. Катта қисимимиз соғлом жамият аъзоси сифатида тўғри қадриятларни, тўғри анъаналарни ёқлалик, шунда нотўғриликни ўз-ўзидан парчаланиб кетади.

Ҳар бир қадриятимиз бебаҳо меросимидир. Уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмагани каби уларни биздек ҳеч ким бешиқасак қайта олмайди. Қадриятларнинг қиймати олтинга ўхшайди, алтирок тангани олтинга қўшиб қўйиш эса унинг вазнини оширмайди.



ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН
ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР
QR-КОДНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
Ҳажми — 3 табоқ. Ҳафтасида чоп этилади.
30559 нусхада босилди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқуллов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 00:05 Топширилди — 00:05